

БАДИЙ АСАР ТАРЖИМАСИДА ҲИНД РЕАЛИЯЛАРИНИ БЕРИШ УСУЛЛАРИ

Сулейманова Маъмура Мухсумовна

Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси

Телефон: +998971314411

mamurasuleymanova@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Мақолада реалияларни таржима қилишда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал қилишда бир қатор олимлар томонидан тавия этилган таржима усуллари ўрганилган. Ҳиндий бадий асарларида учраган реалияларни гуруҳлаштириш ва уларни таржима қилишда қўлланиладиган таржима усуллари кўрсатилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Таржимашунослик, таржима, миллий ўзиша хос сўзлар, реалия, эквивалентлик, транскрипция, перифрастик таржима, транслитерация, калькалаш, тавсифий таржима.

Муайян бир халқ, миллат ва элатга хос тушунча, нарса ва ҳодисаларни акс эттирадиган лисоний воситалар бадий асарнинг миллий хусусиятини белгилайдиган асосий воситалардан ҳисобланади.¹ Демак, ҳар қандай бадий ғоявий баркамол асар ўзида бирдай ҳам байналмилалликни, ҳам миллийликни мужассам этиши билан ажралиб туради. Бадий асарда миллийлик хусусияти асосан лексик ва фразеологик бирликлар ёрдамида яратилади.

Миллий ўзига хос реалияларни ўрганиш миллий адабиётларни таржима қилишда катта аҳамият касб этади. Негаки, асл нуханинг миллий ўзига хослиги, у яратилган миллий муҳит билан боғлиқ ўзгача бўёқларни қайта яратиш масаласи уни таржима қилиш мумкин ё мумкин эмаслигини ҳал қиладиган асосий муаммолардан биридир.²

Шу боисдан, реалияларни бошқа тилга ўгириш таржимон олдида бир қатор қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам таржимада миллий хусусиятни тиклаш масаласи кейинги пайтларда таржимонларнинг ҳам, таржимашуносларнинг ҳам эътиборини ўзига борган сари тортиб келмоқда. Зеро, таржима амалиётида ҳанузгача йўл қўйиб келинаётган ҳато ва камчиликларнинг кўпчилиги таржимада миллий хусусиятни тиклаш билан боғлиқ бўлиб, бу масала ҳанузгача назарий жиҳатдан ҳам, амалий хусусдан ҳам қониқарли даражада ҳал қилинган эмас.

Шундай қилиб, таржимашунослиқда ҳам реалиялар таржимаси ўзига хос йўналиш сифатида шакллана бошлади. Реалиялар таржимасида таржимонлар одатда икки хил қийинчиликка дуч келишади: 1. Таржима қилинаётган тилда асл матнда келтирилган реалияга мос келадиган эквивалентнинг мавжуд эмаслиги. 2. Аслият тилидаги реалия ифодаллаган маъно, шу миллатга хос миллий, тарихий колоритни таржима қилинаётган тилда тўлалигича ифодалашнинг мураккаблиги.

В.С.Виноградов реалияларни таржима қилишнинг қуйидаги усуллари таклиф этади: - транскрипция; гипо-гиперномик таржима; - ўхшатиб таржима қилиш; - перифрастик таржима (тасвирий, дескриптив, изоҳли таржима); - калькалаш. Таржимонни реалияларни англатадиган сўзларнинг маъно ва шаклларида кўра кўпроқ уларнинг муайян контекстда ўтаб келадиган вазифаларини қайта яратиш масаласи машғул қилмоғи даркор. Бу таржимонни асл нухадаги реалияларни асосиз таржима матнига кўчириш ёки мумкин бўлмаган тақдирда ҳам уларни таржима тилидаги реалиялар билан алмаштириб қўйиш хавфидан сақлаб қолади.

Т.А.Казакова реалияларни ўзга тилга ўгиришнинг қуйидаги усуллари қайд қилади: транскрипция; - транслитерация; - транскрипция билан параллел равишда семантик таржима ёки шарҳлаш; - калькалаш; - тасвирлаш.

Л.С.Бархударов ўзининг "Язык и перевод" асарида эквивалентсиз лексикани таржимада беришнинг бир қанча йўллари кўрсатган. Улар қуйидагилар: - транслитерация ва транскрипция; бу йўл билан

¹ Мусаев Қ.Таржима назарияси асослари.Фан.Т.:2005-89- б.

² Федоров А.В.. Основы общей теории перевода. Высшая школа.М.:1983-С.279.

асосан ўзга тил атоқли отлари, географик номлар, турли компания, фирма, пароход, мехмонхона, газета-журнал номлари ўгирилади; - калькалаш; - тавсифий (тушунтириш орқали) таржима; - тахминий (яқинлаштирилган) тўлиқ мос келадиган эквивалент бўлмаганда, унга яқин маънони англатувчи сўз қўлланади; -трансформацион таржима.³

А.В.Федоров таржимада реалаяларни акс эттиришнинг 3 хил йулини кўрсатади: - транслитерация (тўла ёки қисман), реалая бўлиб келган сўзни бевосита фонетик мослаштириш ёки сўз негизига ўз тилининг қўшимчаларини қўшиб бериш; - предметни ифодалаш учун тилда реал мавжуд бўлган унсурлардан фойдаланган ҳолда ёки морфологик бириктириш йўли билан янги сўз ёки сўз бирикмасини ҳосил қилиш; -бошқа тилдаги реалаяларни ифода этувчи сўзларни вазифа жихатидан ўша реалаяларга яқин турган (гарчи айнан бўлмаса-да) сўзлар ёрдамида таржима қилиш.⁴

Ҳинд реалаяларини таржимада қайта яратишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: - антропонимлар: *Притхусен, Дивя, Рудрадхир, Мадулика, Сакрид*; топонимлар: *Мадра, Сагал, Матхуратур*; гидро нимлар: *Ямуна, Шамудри, Пушкарини*; эндемик номлар: *рудраки, тамбул, ашватта*; овқат ва ичимлик номлари: *панн, рудраки*; кийим кечак ва такинчок номлари: *дхўтий, сарий, ушиниш, чивар*; касб-хунар, мансаб, унвон ва мурожаат сўзлари: *ачаря, маҳапандит, девий, махашал, самант, ўлчов* ва пул бирликларининг ифодаланиши: *нишк, йўжана, тин паҳар, дўпахар*; чолғу асбоблари ва қуй номлари: *вина, мриданг, шахнаи, турхи, туря, гандҳари*; ҳарбий реалаялар: *ражпуруш, ашвароҳи, дҳал, ширстран, сенapati*; расм-русм ва урф-одат номлари: *арти, аргҳя, маҳаягя*; фасл ва ой номлари: *чайтр, шраван, магх*; ижтимоий-сиёсий реалаялар: *гансамваҳак, ган пурвак, ган паришад, ганпати*; ижтимоий қатламни англатувчи реалаялар: *брахман, кшатрий, вайшия, шудра*.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур реалаяларни таржима қилишда асосан икки усул транслитерация ва таржима усуллари билан фойдаланилади. Транслитерация усулидан фойдаланишнинг асосий сабаби - аслиятда кулланилган миллий хусусиятли лисоний воситаларнинг таржима тилида мавжуд эмаслиги. Транслитерация реалаяларни таржимада талқин этишнинг энг самарали усуллари билан бири бўлиб, унинг ёрдамида аслиятнинг миллий хусусиятини сиқик ҳолда талқин этилади. Одатда антропонимлар (*Дивя, Рудрадхир*), топонимлар (*Мадра, Сагал*), гидронимлар (*Ямуна, Шамудри*), эндемик номлар (*рудраки, тамбул*) транслитерация йўли билан берилади. Шу билан бир қаторда, ой номлари (*чайтр, шраван, магу*), ижтимоий қатламни англатувчи реалаяларни (*брахман, кшатрий*), унвон, мурожаат сўзларини (*ачаря, маҳапандит, девий*) беришда ҳам транслитерация усулидан кенг фойдаланилади. Реалаяларни таржима қилиш орқали беришни ўринли деб топилган жойларда реалаяларни таржима тилидаги реалаялар билан бериш (*ушиниш* -салла, *йожна* -чакирим, *чивар* -ридо ва.х.к.): калькалаш (*Ган паришад* -Халк кенгаши, *шаҳнаи* -шохнай ва ҳк.); изоҳли таржима (*аргҳя* -мехмонни эъзозлаш учун керакли бошқа буюмлар солинган кумуш баркаш) каби таржима усуллари қўлланилган. Ҳиндий реалаяларини таржима қилишда трнаслитерация усули самарали ҳисоблансада, ушбу усулдан барча қийин ҳолатларда фойдаланиб бўлмайди. Бундай ҳолларда қайта яратиш таржима амалиётининг бошқа бир қатор усуллари орқали амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бархударов Л.С. Язык и перевод. М.: Международные отношения, 1975
2. Федоров А.В. Введение в теорию перевода. М.:1983
3. Федоров А.В.. Основы общей теории перевода. Высшая школа.М.:1983
4. Мусаев Қ.Таржима назарияси асослари.Фан.Т.:2005
5. यशपाल “दिव्या” । हिन्द पौकेट बुक्स प्राइवेट लिमिटेड दिल्ली १९६६।

³ Бархударов Л.С. Язык и перевод. М.: Международные отношения, 1975. С. 95

⁴ Федоров А.В. Введение в теорию перевода. М.:1983.С.159-160.